Ҳар қандай корхонада киритилган рақамли ўзгаришлар корхона раҳбарининг ўз бизнесини яхшилашга ва корхона томонидан қўлга киритилган қадриятларга суянган ҳолда уни замонавий бозорда мустаҳкам ўрнашишига замин яратади. Шу билан биргаликда рақамли иқтисодиёт кўплаб афзалликларга эга бўлиб, бу тўловлар нархини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайнда хизматларнинг нархи анъанавий иқтисодиётга нисбатан паст (биринчи навбатда реклама харажатлари камлиги сабабли) ва хизматларнинг ўзи ҳам, тижорат ҳам арзонроқдир. Бундан ташқари, рақамли дунёда товарлар ва хизматлар тезда глобал бозорга чиқиши ва дунёнинг исталган бурчагидаги одамлар учун очик бўлиши мумкин.

ЮНЕСКО ва Халқаро телекоммуникация уюшмаси томонидан кабелли ёки симсиз тарзда 2025 йилгача дунёнинг 75 фоиз аҳолисини юқори сифатли интернет билан таъминлашни мақсад қилиб қўйилганлиги ҳамда дунё аҳолисининг 51 фоизини интернетдан фойдаланиши дунёда рақамли иқтисодиётни глобал тарзди ривожланаётганлигини кўрсатади. (1-жавал)

1-жадвал

Рақамли иқтисодиётда глобал иштирокчилар сони [5]

Иштирокчилар	2018 йил кўрсаткичлари (млрд. киши)	Дунё аҳолисига нисбатан (фоиз)

Дунё аҳолиси сони	7.6	-
Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланган абонентлар сони	5.3	69
Ноёб мобил абонентлари сони	5.1	67
Ноёб мобил интернет абонентлари сони	3.5	47
Интернет фойдаланувчилари сони	3.9	51
Фаол ижтимоий медиа фойдаланувчилари сони	3.5	45

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида республикамиз раҳбарияти томонидан бир қанча муҳим қарорлар қабул қилган. Мамлакатимизда 2020–2022 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари маълум қилинган ва реал сектор тармоқларини рақамлаштиришда:

- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни автоматлаштириш, молиявий-иқтисодий фаолиятни автоматлаштириш, моддий-техник ресурсларни ҳисобга олиш ва бошқариш тизимлари (ЕРП);

- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимларни ягона ахборот комплексга жамлаш бўйича дастурий маҳсулотлар;

- мижозлар билан муносабатларни тартибга солиш, маҳсулотларни электрон тизимлар орқали сотиш, маркетингни бошқариш тизимлари (КРМ) устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Рақамли трансформациялар режимида мавжуд институционал тизим ўзгаради, янада мураккаб ва қарама-қарши бўлган институционал муҳит шаклланади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш бизнес секторини четлаб ўтмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда рақамли корхонани шакллантириш мавзуси ҳозирги кунда айниқса долзарбдир. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасида тадқиқотларнинг назарий ва методологик базасини тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, уни чуқур таҳлил қилиш ва ўрганишга туртки беради.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчилари ўртасида турли хил ўзаро таъсирларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш билан тавсифланади. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт бошқарув тизимининг, иқтисодиёт, янги бизнес моделлари, тўртинчи саноат инқилобининг асоси сифатида қаралмоқда.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, мижозлар билан ўзаро муносабат тизими ва корпоратив тармоқлар рақамли иқтисодиётнинг асосий белгиларидир.

Рақамли иқтисодиёт хилма-хил бўлган ахборот, таълим, илмий ва кўнгилочар контентни янада тезроқ, янада сифатлироқ ва янада қўлайроқ тарзда таъминлайди. Рақамли иқтисодиёт - бу янги бизнес жараёнлар, янги бозорлар иқтисодиёти ҳисобланади. Рақамлаштириш ва глобаллашув бир-биридан ажралмас бўлиб, турли маънода чегаралар қанчалик кам бўлса, рақамли иқтисодиёт шунчалик тез ривожланади ва ягона иқтисодий маконни ташкил этади, бундан бир-бири учун очилган давлатлар наф қўради. Рақамли иқтисодиёт интернет, шунингдек мобил ва сенсор тармоқлари каби платформалар орқали амалга ошириладиган иқтисодий ва ижтимоий тадбирларни ўз ичига олиб, меҳнат унумдорлигини ва компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятини яратади.

Рақамли иқтисодиётни ривожланиш босқичларини ўрганиш натижасида “рақамли корхона” тушунчаси турли адабиётларда турлича келтирилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, А.Мелникованинг фикрича, рақамли корхона - бу тез ўзгарувчан муҳитга тез

мослашишга қодир бўлган ташкилот, шу билан биргаликда келажакда фаол ривожланишнинг истиқболли вазиятига асосланади. М.Барановнинг таъкидлашича, “рақамли корхона концепцияси рақамли технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган бизнесни, жумладан ишлаб чиқариш, мижозлар билан муносабатларни, компанияни бошқариш усуллари тўлиқ қайта ташкил этишни назарда тутди”.

Бизнинг фикримизча, рақамли корхона деганда, корхонани рақамли бизнес муҳитига корхона рақобатбардошлигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқаришда, маркетингда, мижозлар билан ишлашда ва корхонанинг бошқарув усуллари ташкил этишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда мослашиши тушунилади.

Рақамли корхонанинг бир қатор асосий хусусиятларига ҳаракатнинг тезлиги; ижтимоий йўналтирилганлик; энг янги технологиялардан фойдаланилиши; ишлаб чиқаришни автоматлаштирилиши; бухгалтерия ҳисобида, режалаштиришда ва бошқариш жараёнларида автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этилганлиги; бошқарувни тармоқларга эғалиги; инновацион маркетинг технологияларидан кенг фойдаланилганлиги; виртуал технологияларни жорий этилиши; булутли платформада амалга ошириладиган хизматлар кабиларни киритиш мумкин.

Хулоса

Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни рақамлаштириш мамлакат иқтисодиётини, ҳудудларни замонавий ва рақобатбардош қиладиган восита бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида иқтисодиётга легал маблағлар оқими ошади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар тўғри сарфланади, босқичма-босқич яширин иқтисодиёт йўқ бўлиб кетади.

Иқтисодиётда рақамли маълумотларга ишлов бериш ва тартибга солиш мураккаб бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари, савдо, иқтисодий қийматни яратиш ва эгаллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва миллий хавфсизлик каби муҳим кўрсаткичларга тегишлидир. Шунинг учун, рақамлаштириш жараёнлари турли мамлакатларда турлича кечишини ҳисобга олиб, давлат томонидан рақамли иқтисодиётни тартибга солиш, хусусий ва давлат секторларида имкониятларни ошириш, шунингдек, қийматларни яратишда ва рақамли маълумотларни сақлашда ёрдам берадиган мақсадли йўналтирилган тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликда инновацион ривожланиш йуналишлари. –Т: Фан ва технология, 2018, 232 бет.
2. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари, Т.:ТМИ, “Иқтисодиёт-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
3. Баранов М. Цифровое предприятие: пришло время перемен // PC Week. 2016. № 10. URL: <http://www.pcweek.ru/>
4. Кузнецова Т.И., Иванов Г.М., Опарин О.И. Цифровое предприятие в концепции «Индустрия 4.0» // Гуманитарный вестник. 2017. № 12. С. 10.
5. The State of Broadband: Broadband as a Foundation for Sustainable Development September 2019, ITU/UNESCO Broadband Commission for Sustainable Development
6. <https://www.gazeta.uz/uz/economy/>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Каланова Азиза Бахадировна
докторант ТФИ, кафедры
«Высшая математика, статистика
и эконометрика»
kalanovaa@mail.ru

ПРИМЕНЕНИЕ СИСТЕМЫ СТАТИСТИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДЛЯ ОЦЕНКИ РАЗВИТИЯ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

For citation: Kalanova Aziza Baxadirovna. THE USE OF A SYSTEM STATISTICAL INDICATORS FOR ASSESSING THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.6. Issue 3. pp: 21-28.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6-3>

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены критерий и индикаторы используемые для оценки малого предпринимательства в Республике Узбекистан, в частности, Государственные программы по развитию малого бизнеса, нормативно – правовые положения, также, основные статистические показатели развития малого предпринимательства. К примеру, доля малого предпринимательства в ВВП за 2000 – 2019 г. г., доля малого бизнеса в основных видах экономической деятельности за 2011 – 2019 г. г., количество зарегистрированных предприятий за 2011- 2019 г. г., а также темпы прироста действующих малых предприятий за 2015 – 2019 г. г.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, показатели развития, критерий оценки, ВВП, экономическая деятельность, темпы роста.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни баҳолашда фойдаланиладиган меъзон ва кўрсаткичлар, хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича Давлат дастурлари, норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда кичик бизнес ривожланишининг асосий статистик кўрсаткичлари кўриб чиқилган. Масалан, 2000 – 2019 йилларда ЯИМ да кичик бизнес улуши, 2011- 2019 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнеснинг улуши, 2011 – 2019 йилларда рўйхатдан ўтган корхоналар сони, шунингдек, 2015 – 2019 йиллардаги фаолият юритаётган корхоналарнинг ўсиш суръатлари келтирилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, ривожланиш кўрсаткичлари, баҳолаш меъзони, ЯИМ, фаолият турлари, ўсиш суръати.

THE USE OF A SYSTEM STATISTICAL INDICATORS FOR ASSESSING THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article considers the criterion and indicators used to assess small business in the Republic of Uzbekistan, in particular, State programs for the development of small business, regulatory and legal provisions, basic statistical indicators of small business development. For example, the share of small business in GDP for 2000 – 2019, the share of small business in major economic activities for 2011 – 2019, the number of registered enterprises for 2011 – 2019, as well as the growth rate operating small enterprises for 2015 – 2019.

Keywords: small business, entrepreneurship, development indicators, evaluation criteria, GDP, economic activity, growth rates.

Введение

Современный рыночный механизм включает в себя десятки миллионов производителей и потребителей. Каждый из которых имеет свою социально – экономическую нишу. Сфера бизнеса, основа стержень высокоразвитого государства является важнейшим фактором его научно – технического прогресса, лидерства в экономике и политике, роста уровня жизни и благосостояния людей. Оценивая данную ситуацию в Республике Узбекистан осуществляются большие усилия, по развитию всех форм бизнеса, большого среднего, малого а также, совершенствование кредитно – банковской системы, налоговой и бюджетной политики и т.д.

Особая роль малого предпринимательства в условиях современного общества, обусловлена следующими преимуществами:

- Пополнение государственных доходов. Государство получает миллиардные суммы доходов в виде налоговых поступлений;
- Дальнейшее развитие бизнес – климата Республики влечет за собой развитие внешней торговли а также, сотрудничество с мировым обществом;
- Инновационные фирмы играют важную роль в воплощении многих достижений научно – технического прогресса. В условиях товарное конкуренции, когда решающим фактором становится темпы обновления ассортимента, малые фирмы проявляют изрядную мобильность и гибкость.
- Малый бизнес улучшает общую структуру производства, так как облегчает адаптацию «неповоротливого» крупного производства, к изменяющимся условиям, к новым требованиям научно – технического прогресса. Малые предприятия обеспечивают крупные предприятия материально – техническими ресурсами, комплектующими, запасными частями, т.е. часто специализируются на изготовлении отдельных узлов и деталей, а крупные предприятия ведут сборку готовых изделий;

Таким образом малый бизнес и частное предпринимательство являются мощным рынком приложения труда, формирование среднего класса собственников в стране, источником дохода. [7]

Что же подразумевается под понятием «предприниматель» и «предпринимательство»

Под предпринимательством понимается деятельность, осуществляемая частными лицами, предприятиями или организациями по производству, оказанию услуг или приобретению и продаже товаров в обмен на другие товары или деньги к взаимной выгоде заинтересованных лиц или предприятий, организаций [4].

Предпринимательская деятельность (предпринимательство) является инициативная деятельность, осуществляемая субъектами предпринимательской деятельности в соответствии с законодательством, направленная на получении дохода (прибыли) на свой риск и под свою имущественную ответственность. [1]

Основной сферой деятельности предприятий малого бизнеса являются легкая, пищевая промышленность, общественное питание, торговля, бытовое обслуживание, сельское

хозяйство. Но они могут создаваться и в других отраслях промышленности, строительстве, транспорте, связи. Малые предприятия действуют на основе всех форм связи (государственной, частной, коллективной и др.). Учредителями их могут быть либо одно, либо несколько юридических и физических лиц. [5]

Анализ литературы.

Вопросы функционирования малого бизнеса освещены в трудах многих зарубежных исследователей, таких как К. Веспер, Р. Хизрич, А. Хоскинг, М. Г. Лапусты, В.Я. Горфинкеля и др. Среди работ отечественных ученых по данному вопросу следует выделить труды Ё. Абдуллаева, С. Гулямова, А. В. Вахабова, Х. Д. Хужакулова, И. А. Бакиева.

Методология исследования

Для анализа и оценки развития малого предпринимательства в Республике Узбекистан применяются следующие статистические инструментарины такие как, сбор и обработка данных, метод группировки, методы анализа временных рядов, а также графические и табличные методы представления данных.

Наряду с применяемой методологией, необходимо добавить показатели, критерии и индикаторы используемые для оценки малого предпринимательства.

I. Показатели характеризующие количество субъектов малого предпринимательства:

- количество малых предприятий, микрофирм, индивидуальных предпринимателей, семейных предприятий на каждые 10.000 человек;
- количество вновь зарегистрированных малых предприятий, тыс. ед.
- бизнес демография т.е. рождаемость и официальная ликвидация предприятий;
- доля новых (молодых) фирм

II. Показатели характеризующие вклад малого бизнеса в увеличение занятости населения:

- количество новых рабочих мест
- численность среднесписочной численности работников (без внешних совместителей) занятых в малом предпринимательстве;
- доля быстрорастущих фирм (по занятости рабочих)
- численность занятых в общей численности занятых в экономике региона или по видам экономической деятельности;

III. Показатели характеризующие социально – экономические результаты деятельности малых предприятий:

- рентабельность проданных товаров, продукции (работ, услуг), %;
- производительность труда малых предприятий, млрд. сумм\чел;
- доля МП в добавленной стоимости, %
- сумма среднемесячной заработной платы на одного работника МП за отчетный период.
- чистая выручка от реализации продукции малых предприятий по видам экономической деятельности, млрд. сумм ;
- расходы малых предприятий и микрофирм по регионам (как вариант по видам экономической деятельности), млрд. сумм;

IV. Показатели характеризующие работу по государственной поддержке малого предпринимательства:

- Количество малых предприятий, получивших разные виды государственной поддержке, ед.
- Количество кредитов полученных субъектами МП;
- Количество МП, являющихся потребителями услуг аккредитованных организации поддержки предпринимательства;

V. Показатели характеризующие инновационную деятельность МП:

- доля инновационных работ, товаров и услуг в общем объеме товаров и услуг выполненных МП;
- количество МП реализующих инновационные проекты, start up, ед.
- количество МП использовавших новейших и новых технологий, ед.

- затраты на технологические инновации, млрд. сум;

Анализ и результаты

Современные исследователи сходятся на том, что важными задачами государственного регулирования предпринимательской деятельности являются: создание нормативно – правовой базы, информационная поддержка и формирование культуры предпринимательства, формирование эффективных финансовых инструментов и развитие инфраструктуры, стимулирование и взаимодействие рыночной инфраструктуры и предпринимательства. [6]

В целях реализации задач, определенных Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2018 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологии» [2] предусматривает развития экономики и поддержки активного предпринимательства т.е. создание благоприятных правовых, организованных условий для развития активного предпринимательства, внедрение инновационных идей и технологии, дальнейшее совершенствование правовых гарантий защиты и механизмов предупреждение незаконного вмешательства в деятельность субъектов предпринимательства, налоговой и таможенной политики, банковской сферы, разработку стратегии реформирование аграрного сектора и активное развитие регионов. В своем Послании Олий Мажлису Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил: «..... Назвав 2018 год Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологии, мы реализовали в рамках соответствующей Государственной программы 76 тысяч проектов на 21 триллион сумов и 1 миллиард долларов, что говорит о масштабах нашей работы, которую мы начинали с добрыми намерениями.

Мы достигли весомых результатов в промышленности, сельском хозяйстве, капитальном строительстве, развитии транспорта и коммуникации, сфере услуг. Хочу особо отметить самоотверженный труд наших дехкан и фермеров, которым пришлось работать в более сложных, чем в прошлые годы, погодных условиях». [3]

В целях осуществления благоприятных условий для ведения бизнеса и повышения инвестиционной привлекательности Указом Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева УП № - 5490 от 27 июля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства» отменены все виды внеплановых проверок, сокращены и упрощены ряд лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур в сфере предпринимательской деятельности. Указанные меры положительно отражаются на развитии деловой среды в стране и рейтинге Республики Узбекистан на международной арене.

Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева № ПП – 3777 от 7 июня 2018 года «О реализации программы «Каждая семья - предприниматель»» направленного на обеспечения коренного улучшения материальных условий, значительных позитивных изменений и уровне образа жизни населения. В рамках данной Государственной программы Ш.М. Мирзиёев отметил «..... Благодаря принятым мерам реальные доходы населения по сравнению с 2017 годом увеличились на 12 процентов. Часть налоговых поступлений, превысивших прогнозные параметры, остается в распоряжении местных бюджетов, благодаря чему регионы получили дополнительно 5,5 триллиона сумов. Это в 6 раз больше по сравнению с прошлым годом, и в 32 раза больше чем в 2016 году. На реализацию программ «Каждая семья – предприниматель» и «Молодежь – наше будущее» было в общей сложности направленно около 2 триллионов сумов, на местах осуществлено более 2 600 бизнес - проектов» [3]

Согласно статистическим данным количество выделенных кредитов населению для осуществления предпринимательской деятельности в 2019 году увеличилось в 2,5 раз по сравнению 2018 годом. [9]



Рисунок 1. Кредиты выделенные для финансовой поддержки малого предпринимательства

Стоит отметить, что малый бизнес и частное предпринимательства является заметным явлением в экономике страны. За 2000 – 2019 г.г. доля малого бизнеса в ВВП страны выросла с 31,0 % - 54 % (на 23 процентных пункта.) [10]




Рисунок 2. Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в ВВП

С 2017 года мы наблюдаем снижение доли малого предпринимательства в ВВП страны 63,6 % с аналогичным периодом 2016 года 64,9 % (снижение на 1,3 проц. пункта.), 2018 году данный показатель составил 59,4 % (снижение на 4,2 проц. пункта. по сравнению с 2017 годом), 2019 году доля малого предпринимательства составило 54 % что на 5,4 проц. пункта. ниже показателя 2018 года.

Данное снижение объясняется увеличением в структуре ВВП крупных предприятий. Также изменением доли малого бизнеса и частного предпринимательства в основных видах экономической деятельности. [10]

Таблица 1

Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в основных видах экономической деятельности за 2011 – 2019 г. г. (в процентах)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019*
Валовой внутренний продукт	54,0	54,6	55,8	56,1	62,9	64,9	63,6	59,4	54,0
Промышленность	21,9	23,1	28,1	31,7	40,6	45,3	41,2	37,4	32,8
Сельское хозяйство	97,7	97,8	98,0	98,3	98,0	98,6	98,5	98,3	97,5
Инвестиции	31,9	35,3	32,7	35,4	40,3	40,9	38,1	38,0	40,3
Строительство	68,6	71,1	71,5	69,5	66,7	66,9	64,8	73,2	75,7
Торговля	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1	89,6	88,4	86,3	85,4
Всего услуг	46,3	44,9	46,2	48,6	60,2	63,2	58,3	56,0	51,6
Перевозка грузов	43,2	44,2	47,3	49,8	50,1	53,7	54,2	55,5	56,3

Перевозки пассажиров	81,8	83,1	84,5	85,2	84,8	88,8	90,1	89,6	90,2
Занятость	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	77,0
Экспорт	18,8	14,0	26,2	25,4	27,0	26,0	22,0	27,2	26,1
Импорт	34,3	38,6	42,4	45,4	44,5	46,8	53,6	56,2	59,8

*Социально – экономическое положение Республики Узбекистан за январь – июнь 2019 года

Снижение доли МБ и ЧП в ВВП в 2017 году по сравнению с 2016 годом в следующих основных видах экономической деятельности: промышленность снижение на 4,1 проц. пункта, сельское хозяйство – 0,1 проц. пункта., инвестиции – 2,5 проц. пункта, торговля - 1,2 проц. пункта, услуги – 4,9 проц. пункта, занятость – 0,2 проц. пункта, экспорт – 4 проц. пункта,

Сравнение аналогичного показателя 2018 года с 2017 годом: промышленность – 3,8 проц. пункта, сельское хозяйство – 0,2 проц. пункта, услуги – 2,3 проц. пункта, перевозка пассажиров – 0,5 проц. пункта, занятость – 1,7 проц. пункта.

Для понимания сложности сектора малого предпринимательства следует принимать во внимание особенности его отраслевой структуры. К примеру, промышленный сектор зачастую является более технологичным и инновационно активным, встраивается в глобальные и региональные цепочки добавленной стоимости. Для создания производственной фирмы требуется существенно больший набор компетенции, финансирования и более благоприятные институциональные условия, чем для той же торговой фирмы. Высокая доля торговли и сектора услуг может свидетельствовать о примитивной структуре сектора малых предприятий, имеющего связи с существующими массовыми рынками, но слабо ориентированными на международные рынки. [8]




Рисунок 3. Распределение зарегистрированных предприятий и организации по типам за 2011 – 2019 г. г.

(на 1 января; без учета фермерских и дехканских хозяйств, тыс.)

В динамике за 2011 – 2019 г. г. наблюдается значительный прирост зарегистрированных предприятий. В 2011 году доля малых предприятий в общем числе зарегистрированных предприятий составила 8,8 %, доля микрофирм 70,1 %. В 2019 году соответственно данные показатели составили 6,1 % и 75,3 %. Число субъектов малого предпринимательства увеличилось в 1,3 раза по сравнению с 2011 годом. Необходимо отметить, что в общем числе зарегистрированных предприятий наибольший удельный вес принадлежит микрофирмам. С численностью не больше 20 человек в зависимости от вида деятельности согласно государственному классификатору (ОКЭД) Республики Узбекистан. [10]

Таблица 2

Темпы прироста действующих малых предприятий и микрофирм по видам экономической деятельности. (без фермерских и дехканских хозяйств)

Отрасли экономики	2015	2016	2017	2018	2019
Всего	2,63	6,20	1,68	9,05	14,48
В том числе:					

Сельское, лесное и рыбное хозяйство	0,59	2,1	3,40	14,29	16,78
Промышленность	7,85	3,18	4,33	13,34	15,78
Строительство	6,41	4,84	4,44	9,21	21,62
Торговля	0,52	1,08	3,87	2,45	12,3
Перевозка и хранение	5,95	6,60	12,04	10,71	11,34
Услуги по проживанию и питанию	9,16	8,35	7,74	10,92	15,81
Информация и связь	1,56	- 2,66	- 1,99	- 0,54	9,2
Здравоохранение и предоставление социальных услуг	- 1,17	- 31,28	- 35,74	19,08	21,43
Прочие виды	5,83	- 2,62	- 6,52	12,19	10,68

Темпы прироста отраслевой структуры малого предпринимательства остается относительно стабильной. Согласно показателям 2019 года основная численность предприятий сосредоточенна в сфере торговли 70 457 ед., промышленности 56 233 ед., строительство 28 955 ед. и прочие виды экономической деятельности 38 431 ед. Высокий прирост малых предприятий наблюдается в сфере торговли и строительства.

Наиболее привлекательными для работников в малом предпринимательстве являются сфера промышленности, торговли и строительства. Высока доля работников малых промышленных компаний это 33,44 % в общем числе занятых в секторе малого предпринимательства. В торговле 17% и соответственно в строительстве 16,5%. Увеличение количества субъектов малого предпринимательства в вышеуказанных отраслях повлекло и увеличение числа занятых в малом бизнесе. [10]

Выводы и предложения

1. В процессе перехода и развития рыночных отношении, происходит активное формирование малого предпринимательства.

2. Указы и Постановления принятые Президентом Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым с 2016 года целенаправленно обеспечивают развитие предпринимательской деятельности, всемерную защиту частной собственности и качественное улучшение делового климата.

3. Приведены комплексные показатели, критерий и индикаторы используемые для оценки малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан

4. Рассмотрены основные показатели развития малого предпринимательства. В частности доля малого бизнеса в ВВП страны, доля малого предпринимательства в основных видах экономической деятельности, темпы прироста действующих малых предприятий и микрофирм в видах экономической деятельности.

5. Для комплексной оценки развития малого предпринимательства (МП) предлагается рассмотрение активного планирования, организации и раннего становления МП. Важность оценки потенциала развития предпринимательства неоспорима при совершенствовании условий для деятельности зарождающихся субъектов МП, что в свою очередь, стимулирует население к предпринимательской активности, к обеспечению самозанятости и созданию дополнительных рабочих мест. При оценки эффективной деятельности малого предпринимательства в стране, следует ориентироваться международную методологию (GEM, Global Entrepreneurship Monitor) которая является исследовательским проектом, изучающим взаимоотношения между предпринимательством и экономическим ростом.

Отчеты GEM являются основным источником информации для проведения сравнительных исследований об уровнях предпринимательской активности как на этапе создания, так и на этапе развития предпринимательской фирмы.

Список использованной литературы и источников:

1. Закон РУз от 02.05.2012 «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» (новая редакция) www.lex.uz
2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП – 5308 от 22 января 2018 года.
3. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису 28 декабря 2018 года. <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeevas-28-12-2018>
4. Предпринимательство. Учебник 5-е издание. Под. ред. В.Я. Горфинкеля, Г.Б. Полякова. ЮНИТИ. Москва 2010. Стр. 13
5. Ё.Абдуллаев, Ш.Юлдашев Учебник. «Малый бизнес и предпринимательство». Ташкент «IQTISOD - MOLIYA» 2008 г., стр 6
6. Основы предпринимательства: учебное пособие. Под. Науч.ред. Г.Л. Багиева; Изд. 2-е. Заб ГУ, Чита 2017 – 257 (87 стр)
7. Н.К. Зокирова, М.З. Каланова, Г.К. Абдурахманова, Ю.И. Измайлова, А.Б. Саидвалиева. Развитие малого предпринимательства как важнейший фактор антикризисной стратегии. (научно – практическая брошюра). ГОУ ВПО «Российская экономическая академия имени Г.В. Плеханова» филиал в г. Ташкент. Ташкент – 2009 г
8. Барина В.А., Земцов С.П. Международный сравнительный анализ роли малых и средних предприятий в национальной экономике: статистическое исследование. Вопросы статистики. 2019;26(6):55-71
9. Центральный банк Республики Узбекистан. Статистический бюллетень 2020 г
10. www.stat.uz Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Сагатов Дилшод Мирджалилович
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси
e-mail: sagatov_dilshod@mail.ru

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАРИДА ИННОВАЦИОН КОРХОНАЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

For citation: Sagatov Dilshod Mirdjalilovich. EXPANSION OF PARTICIPATION OF INNOVATIVE ENTERPRISES IN STATE TARGET PROGRAMS. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.6. Issue 3. pp: 29-32



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-949 1-2020-6-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат мақсадли дастурларида инновацион корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш, корхоналарнинг стратегик бошқаруви самарадорлиги, унга таъсир қилувчи омиллар, корхона фаолияти самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини баҳолаш ҳамда бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инновация, корхона фаолияти, рақобатбардошлик, тренд, бошқарув самарадорлиги, ички ва ташқи омиллар, стратегия, баҳолаш, корхона барқарорлиги.

EXPANSION OF PARTICIPATION OF INNOVATIVE ENTERPRISES IN STATE TARGET PROGRAMS

ABSTRACT

This article discusses the issues of expanding the participation of innovative enterprises in state targeted programs, the effectiveness of strategic management of enterprises, the factors affecting them, increasing the efficiency and competitiveness of enterprises and improving organizational and economic management mechanisms.

Keywords: innovation, entrepreneurial activity, competitiveness, trend, management efficiency, internal and external factors, strategy, evaluation, enterprise sustainability.

РАСШИРЕНИЕ УЧАСТИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЦЕЛЕВЫХ ПРОГРАММАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы расширения участия инновационных предприятий в государственных целевых программах, эффективности стратегического управления предприятиями, факторов, влияющих на них, повышения эффективности и конкурентоспособности предприятия и совершенствования организационных и экономических механизмов управления.

Ключевые слова: инновация, предпринимательская деятельность, конкурентоспособность, тренд, эффективность управления, внутренние и внешние факторы, стратегия, оценка, устойчивость предприятия.

Кириш

Жамият иқтисодиёт ҳаётида институционал, функционал ўзгаришлар инсонни янада бунёдкорликка, инновациялар яратишга йўналтирмоқда ва иқтисодий фаолликни инновацион эстетик шакли, фаолликни назарий турлари шаклланишига сабаб бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инновацион иқтисодиётни шакллантириш асосий мақсадлардан бири тариқасида қабул қилинган. Бунинг сабаби ресурслар чекланганлиги, аҳоли сони тобора ошаётганлиги, ундан ҳам уларнинг эҳтиёжлари юксалаётгани билан тавсифланади. [1]

Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиёти ва саноат ишлаб чиқаришини илмий-интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, янги технологиялар, нанотехнологиялар, воситалар, машиналар, муқобил энергия манбалари ва шу каби инновацион фаолият маҳсули негизида ривожлантирмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам саноат соҳасида янги техникатехнологиялар, қурилмалар ва воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ инновация фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда мавжуд соҳа ва тармоқларнинг ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулотларни миқдори ортиб, сифат жиҳатдан ўсиб, ривожланиб бормоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Рақамли иқтисодиёт, унинг шакллари ва таъсир этувчи омилларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: М.Кастелс, П.Майерс, М.Додгсон ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Я.Кук ва П.Майерс таърифига кўра: “инновация – ғоядан то бозорда сотиладиган тайёр маҳсулотгача бўлган, тўлиқ жараён”дир. М.Додгсоннинг таърифига кўра, “инновация илмий, технологик, ташкилий ва молиявий фаолиятдан иборат бўлиб, янги (ёки яхшиланган) маҳсулот, янги (ёки яхшиланган) ишлаб чиқариш жараёни ёки қурилмалар тижоратига олиб келади”.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция, дедукция, гуруҳлаш сингари усуллардан кенг ва самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Тармоқларда инновацион ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўз навбатида иқтисодиётни барқарор суръатларда ўсишини таъминламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тармоқларда барқарор ўсиш таъминланган бўлсада, уларнинг иқтисодий ўсиш суръатидаги улуши турлича бўлиб, уларни янада кўтариш ўз навбатида ялпи ўсишни ошириш имконини беради. Бунда асосий эътибор тармоқлар ичида иқтисодий ўсишга қайси омиллар кучли таъсир этаётганлиги ва қайси тармоқларда инновацион ишлаб чиқаришга ўтишни аниқлаш зарур бўлади. Шу билан бирга, фикримизча, мамлакатимизда инновацион жараёнларни тартибга солиш ва бошқаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: [2]

- ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва самарали бошқариш миллий тизимини яратиш;
- ҳудудларнинг иқтисодий-инновацион фаолиятини ривожлантириш даражасини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;
- саноат корхоналари инновацион фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш;
- тармоқлараро инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш;

– илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида инновацион сиёсатни амалга ошириш бўйича ўзаро интеграция тизимини шакллантириш;

– миллий инновация тизимни ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга қўмаклашувчи инфратузилмаларни ривожлантириш;

– инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш билан боғлиқ молиялаштириш тизимини яратиш.

Шундай қилиб, давлат ва бозор иқтисодиётнинг инновацион тармоғи фаолиятини кенгайтиришга қўмаклашиши, самарали миллий саноат сиёсатини олиб бориш, кичик ишлаб чиқариш корхоналар инновацион фаоллигини рағбатлантириш, бу биринчи навбатда жамиятдаги инновацион тараққиётга туртки бўлмоғи лозим. Йирик ва кичик бизнес интеграциясининг хориж тажрибаси саноат кооперациясида аутсорсинг, субконтрактинг, франчайзинг, қўшма ишлаб чиқариш, қўшма лойиҳа каби шакл ва усулларни қўллаш самарали эканлигини асослайди. Уларни Ўзбекистоннинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенг қўллаш имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Бу эса харажатларнинг ортиши, маҳсулот таннархи қимматлашиши ва пировардида уларнинг бозорда рақобат устуворлигини йўқотишига олиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, мутахассислар ҳамда олимларнинг илмий тадқиқотларида “инновация”, “инноватика”, “инновацион фаолият”, “инновацион муҳит”, “инновацион жараёнлар”, “инновацион салоҳият”, “миллий инновация тизими”, “инновацион маҳсулот”, “инновацион ишлаб чиқариш”, “инновацион ҳудуд” каби атамаларга кўпроқ урғу берилди [3]. Инновацион жараёнларнинг бошқариш стратегиясини умумий тарзда мамлакатнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва юқори технологик ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган мақсадларга эришишнинг бошқарув режаси, деб айтишимиз мумкин. Хусусан, инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида аниқ стратегияни танлаш – инновацион ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуллари ичидан энг мақбулини танлаб олишдир. Шу билан бирга стратегияни танлаш ўз навбатида, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, саноат корхоналарини рақобатга бардошлилик ҳаракатларини ягона тизимга келтиришдан иборат.

Шу боис мамлакатимизда маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салмоғини ошириш, инновацион жараёнларни фаоллаштириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш давлат инновация сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлганлиги сабабли, мутахассис ҳамда иқтисодчи олимлардан юқори технологияларни мужассамлаштирган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашлари талаб қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги пайтда корхона ривожлантирилишига фақат инновацияларни узлуксиз равишда жорий этилиши билангина эришиш мумкин. М.Портер компанияларнинг рақобатли устунликка эришишларида инновациянинг ролини қуйидагича аниқлаган: “....компания рақобатдаги устунликни инновациялар воситасида қўлга киритади. Улар янги киритилган тартиб-қоидаларга ҳам янги технологиялардан, ҳам янги иш усулларида кенг маънода фойдаланган ҳолда ёндашадилар. Компания янгиликлар туфайли рақобатдаги устунликларга эришганидан кейин, бу устунликларни фақат мунтазам равишдаги яхшилашлар ёрдамида қўлда тутиб туриши мумкин. Рақобатчилар инновацияларни такомиллаштириш ва жорий этишдан тўхтаган ҳар қандай компанияни дарҳол ва албатта четлаб ўтиб кетадилар”.[5]

Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация- у келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни

қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони.
2. Р.Р.Абдураупов. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, автореф. Тошкент, 2017 й. 70-б.
3. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Под ред. Б.З. Мильнера. – М.: ИНФРА-М, 2016. – С. 199
4. Питилимов Ф. В., Шарышов А. С. Инновационная деятельность 47 предприятия // Молодой ученый. — 2017. — №3. — С. 392-395. — URL [https:// moluch.ru/archive/137/38453/](https://moluch.ru/archive/137/38453/) (дата обращения: 25.12.2018).
5. www.biznes-daily.uz
6. www.openinfo.uz

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Усмонов Хикматилла Мохиржон ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси
hikmatilla.usmonov@gmail.com

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

For citation: Usmanov Hikmatilla Mohirjon o'g'li. BANK INVESTMENT PORTFOLIO DEVELOPMENT. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.6. Issue 3. pp:33-38



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестиция портфелини ривожлантириш ва уларнинг инвестициявий омиллар таҳлил қилинган. Банклар инвестиция портфелини ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақола Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг барқарорликни янада мустахкамлаш мақсадида тижорат банкларида инвестиция портфелини ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бирга инвестиция портфели, инвестицион активларни бошқариш моҳияти, у билан боғлиқ рискларнинг келиб чиқиш сабаблари, инвестицион портфелини бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи рисклари ҳамда уларни бартараф этишда инвестиция портфелини самарали бошқаришнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: банк тизими, банк активлари, диверсификация, инвестиция кредити, инвестиция портфели, инновация, фоиз ставкаси.

BANK INVESTMENT PORTFOLIO DEVELOPMENT

ABSTRACT

This article analyzes the development of the investment portfolio of commercial banks in Uzbekistan and their investment factors. In order to develop the investment portfolios of banks, recommendations were given on the use of international experience. Report on investment portfolio and commercial banks. It also covers the investment portfolio, the nature of investment asset management, the risks associated with it, the risks that affect the effectiveness of investment portfolio management, and the importance of effective investment portfolio management.

Keywords: banking system, bank assets, diversification, investment credit, investment portfolio, innovation, interest rate.

РАЗВИТИЕ БАНКОВСКОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОРТФЕЛЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется развитие инвестиционного портфеля коммерческих банков в Узбекистане и их инвестиционные факторы. В целях развития инвестиционных портфелей банков были даны рекомендации по использованию международного опыта. Статья направлена на развитие инвестиционных портфелей в коммерческих банках с целью дальнейшего укрепления стабильности экономических реформ в республике. Он также охватывает инвестиционный портфель, характер управления инвестиционными активами, риски, связанные с ним, риски, влияющие на эффективность управления инвестиционным портфелем, и важность эффективного управления инвестиционным портфелем.

Ключевые слова: банковская система, банковские активы, диверсификация, инвестиционный кредит, инвестиционный портфель, инновация, процентная ставка.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётган бир даврда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлик даражасини ошириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори технологик ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, саноат тармоқларини янгилаш ва технологик модернизация қилиш жараёнларини тезлаштириш лозим. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш учун мамлакатимизда асосий инвестиция институти ҳисобланадиган (Жаҳон тажрибасида) тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш зарур. Тижорат банкларининг қимматли қўғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти шундаки, турли соҳаларда фаолият юритувчи миқдорларни тижорат банкларга жалб қилиш йўли билан қимматли қўғозлар бозорини такомиллаштириш, фойда олиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш молиявий ресурсларини инвестицияларга самарали жойлаштириш ва инвестиция фаолияти натижасида даромад олишдан иборат. Шунингдек, тижорат банкларимиз актив операцияларининг аксарият қисми биргина кредит операцияларига боғлиқ бўлиб қолганлиги (активлар етарлича диверсификация қилинмаганлиги) банк тизими сезиларли риск даражасижа эканлигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ушбу мавзуга ойда Кейнс, Марковиц, Шарп, Лаврушин, Бўтабоев, Джуманазаров Мустафақулов каби бир қатор хорижий ва юртимиз олимларининг фикрлари ўрганилиб улардаги илмий ўрганишлар асосида метадологик асос сифатида фойдаланилди.

“Инвестиция” тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, бу тор маънода киритилган маблағ деган маънони англатади. “Инвестиция” атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “мблағни сафарбар этиш”, “капитал қўйилмаси” маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради [1].

Инвестиция масаласига мультипликатор тамойиллари асосида ёндашган иқтисодчи Кейнс, инвестицияларни “ушбу даврнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал мулк баҳосини жорий ортиши” тарзида, “ушбу даврда топилган даромаднинг истеъмолга ишлатилмаган қисми” деб таърифлайди [2]. Инвестициялар жамғармалар асосида юзага келади, яъни бугун жамланади, эртага эса даромад келтириши мумкин. Аксинча, бугун фойда келтиради – эртага сармоя сифатида майдонга чиқади, деб таъкидланса ҳам адолатдан бўлади. Шундай қилиб, жамғармалар ва инвестицияларнинг функцияларини аниқ кўрсатиш деярли мумкин эмас, бироқ бизнинг мулоҳазаларимиз келгусида “инвестициялар” деган тушунча билан сармояни ташкил этиш ўртасида чамбарчас алоқани ўрнатиш имконини беради, яъни инвестициялар – сарфланган сармоядан даромад келтирувчи категориядир.

Қарз олувчининг турига қараб, халқаро облигациялар эмитентларининг бутун йиғиндисини иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: суверен қарз олувчилар ва халқаро ташкилотлар; банклар, бошқа кредит ташкилотлари, миллий ва трансмиллий корпорациялар [12].

Кўпгина давлатларнинг қонунчилиги эмиссияларни мажбурий рўйхатдан ўтказишни ва халқаро облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишни талаб қилмайди. Шунга қарамай, кўпгина давлатларда қимматли қоғозлар ёки солиққа тортиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари амал қилмоқда, уларнинг маълум нормалари халқаро облигацияларнинг чиқарилиши ва муомаласига таъсир қилиши мумкин [12].

Халқаро облигациялар бозори иштирокчиларининг яна бир тоифаси – инвесторлар, улар икки гуруҳга ажралиб институционал ва чакана инвесторлар деб номланади. Халқаро облигациялар бозорида инвесторларнинг аксарияти институционал инвестор ҳисобланади. Қоида тариқасида, Жаҳон амалиётида Халқаро облигациялар бозорида чакана инвесторлар - бу ҳар хил валюталарда муомалада бўлган қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали ўз маблағларини диверсификация қилиш ёки фоиз даромадларини кўпайтиришни истаган жисмоний шахслардир.

Ҳар йили халқаро облигациялар глобал бозори ҳажми ўсиб бормоқда ва бугунги кунда, Блоомберг маълумотларига кўра, у бутун қарз бозорининг учдан икки қисмини эгаллайди. Агар 2010 йилда халқаро молия бозорида 139 миллиард доллар халқаро облигациялар эмиссия қилинган бўлса, 2019 йилнинг охирига келиб уларнинг ҳажми деярли ўн бараварга – 1,421 миллиард долларгача этди. (1-жадвал).

1 жадвал

2010-2020 гача эмиссия қилинган халқаро молия бозирдаги халқаро облигациялар [13]

Issue Date	Total	DE	FR	SE	NL	FI	KR	NO	CN	CA	BE
Total	7369	696	654	547	525	506	468	304	288	225	207
2020	244	19	20	44	11	21	8	6	20	7	3
2019	1421	91	86	166	76	134	97	34	134	65	33
2018	1123	79	83	111	102	119	101	42	28	38	36
2017	1056	71	89	69	67	97	87	91	43	33	21
2016	933	87	84	62	57	44	53	65	16	27	43
2015	867	130	94	53	35	74	50	42	15	22	43

2014	623	107	81	19	25	8	40	9	15	12	15
2013	444	60	54	8	57	3	19	9	7	10	4
2012	335	22	29	9	62	3	6	3	9	2	4
2011	184	17	19	6	21	2	5	2	1	5	2
2010	139	13	15		12	1	2	1		4	3

Issue Date	IT	CH	ES	DO	AU	CR	CL	JP	UA	ID	Others
Total	188	180	150	116	113	106	90	87	80	79	1760
2020	6	11	4	9				1	6		48
2019	56	48	23	11	11	16	2	16	22	9	291
2018	16	20	30	10	12	18	2	21	12	8	235
2017	16	14	24	14	17	10		18	8	11	256
2016	54	11	22	16	23	18	8	15	6	14	208
2015	10	11	13	22	10	8	20	10	18	13	174
2014	12	21	13	12	8	14	12	5		8	187
2013	6	19	5	12	15	6	10	1	8	6	125
2012	4	13	2	4	6	12	20			6	119
2011	4	7	10	2	5	2	10			2	62
2010	4	5	4	4	6	2	6			2	55

Халқаро облигациялар бўйича қарзлар бозорининг бундай катта ҳажми инвесторларга инвестицияларни амалга оширишда ўз рискларини мукаммал равишда диверсификация қилишга имкон беради ва инвестиция компаниялари халқаро облигациялар асосида кўп миқдордаги маҳсулотларни, шу жумладан деривативларни шакллантиришлари мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, халқаро молия бозорига чиқиш, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси бўлиш ва еврооблигацияларни эмиссия қилиш бу нафақат мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини орттириш билан бир қаторда, унга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Маълумки, ҳар бир инвестор томонидан берилган қарзлар яъни облигациялар мисолида оладиган бўлган, уларнинг тўлов муддатларини вақтида, кечиктирмасдан тўлаб борилиши унинг келгусида кўпроқ инвесторлар ишончини орттиришига хизмат қилади. IPO ва SPOларнинг ташкиллаштириш ва ўқтазиш ҳам ўз навбатида мамлакатнинг қимматли қоғозлар бозорида ўз ўрнини эгаллашга бир омил сифатида қараш мумкин ва бу орқали мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига танитишга қилинган ҳаракат деб баҳолаш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорини ривожланганлиги ва уларнинг қай даражада мамлакат иқтисодиёти учун таъсирини кўришимиз мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу соҳага қаратилаётган эътибор нафақат иқтисодиёт ривожини учун, балки мамлакатнинг обрўси ва келажақда дунёнинг кўзга кўринган катта катта компания ва корпорациялар билан ҳамкорликда ишлаш учун кенг йўл очиб беради.

Юқориларидан келиб чиқиб мамлакатимизда халқаро облигациялар бозори умуман қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш учун бир неча таклифларни келтириб ўтамыз.

Халқаро облигация чиқариш ва уни халқаро фонд биржалари орқали савдо қилиш осон тез муддатда амалга ошириладиган жараён эмаслиги маълум. Шу нуқтаий назардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ЎзСаноатҚурилиш банки томонидан яратилган бенчмарклардан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз тижорат банклари ва компанияларни томонидан ҳам халқаро облигациялар чиқариш ва жойлаш тизимини оптималлаштириш ва уларнинг халқаро рейтинг олишида кўмаклашиш ва уларнинг ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини ўрганиш ва уларга халқаро стандарт тизимига ўтишда зарур маслаҳатлар бериш мақсадга мувофиқ саналади. IPO ва SPOларни ташкиллаштириш ва халққа

ушбу тушунчалар ва улардан фойдаланиш, иштирок этиш ва кейинчалик ўзлари томонидан ҳам ушбу ҳаракатларни амалга оширишда зарур билим ва кўникламаларни бериш зарурияти олдинда туради.

Инвесторлар томонидан бўлган ишончни ошириш ва бу орқали улар учун энг мақбул бўлган даромад олиш шакллари яратиш, кейинчали инвестиция портфелини шакллантириш орқали даромадлиликни ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси. (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси. (www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси. (www.lex.uz).
4. Фабоцци Ф. Д. Облигациялар бозори: таҳлил ва стратегия / Ф. Д. Фабоцци; ингл. тилидан таржимаси А. Левинзон. — 2-нашр., — М. : Альпина Бизнес Букс, 2007. — 950 бет.
5. Қимматли қоғозлар бозори: ўқув. қўлланма / А. Ю. Архипов [ваб.]. — Ростов н/Д. : Феникс, 2005. — 345 бет.
6. Галанов В. А. Қимматли қоғозлар бозори: дарслик / В. А. Галанов. — М. : Инфра-М, 2007. — 379 бет.
7. Селищев А. С. Қимматли қоғозлар бозори: дарслик / А. С. Селищев, Г. А. Маховикова. — 3 нашр., қўшимча ва тўлдиришлар билан — М. : Юрайт, 2016. — 483 бет.
8. Дж. М. Кейнс «The economic consequences of the peace. Экономические последствия мира»
9. Чувахина Л. Г. Еврооблигациялар ва евроқоғозлар бозори / Л. Г. Чувахина // Замонавий фан ва амалиёт саволлари. — 2011. — № 2. — бет. 322–326.
10. Қимматли қоғозлар бозори: дарслик / Н. И. Берзона наشري остида. — М. : Юрайт, 2011. — 531 бет.
11. Выговский А. И. Еврооблигация халқаро капитал бозори инструменти: тартибга солиш режимининг ҳуқуқий хусусиятлари / А. И. Выговский // Современное право. — 2009. — № 11. — Б. 153–156.
12. Рубцов Б. Б. Замонавий молия бозорлари: ўқув қўлланма/ Б. Б. Рубцов. — М. : Альпина Бизнес Букс, 2007. — 926 б.
13. Bloombergterminal.URL:<https://www.bloomberg.com/terminal>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Одилжонов Илёс Одилжонович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси тингловчиси, магистрант

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЛИЗИНГНИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

For citation: Odiljonov Ilyos. THE ROLE AND IMPORTANCE OF LEASING IN INCREASING THE EFFICIENCY OF INVESTMENT ACTIVITIES. 2020. Vol.6. Issue 3. pp: 52-59



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишида лизинг фаолиятининг роли, аҳамияти шунингдек лизинг фаолиятини амалга оширишда инвестиция билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз боради.

Тадқиқотнинг мақсади- Ўзбекистонда инвестицион жараёнларни такомиллаштиришда лизинг фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Ўзбекистон иқтисодиётининг реал сектори томонидан инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштириш усулида инвестициялашни кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари харажатларини мақсадлилиги ва натижадорлигини назорат қилиш таклиф этилган.

2. Ўзбекистондаги лизинг компаниялари ва банкларда инвестиция жалб қилишда ёрдам берувчи корпоратив бошқарув тизими тузилмасини ривожлантириш имкониятлари ўрганилган.

3. Мамлакатимиздаги лизинг фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда ва банкларда самарали инвестиция сиёсатини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияси салоҳиятидан ва рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланиш вазифасини бажариш тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: лизинг, инвестиция, лизинг берувчи, лизинг объекти, венчур лизинг, капитал, хусусий капитал, инвестицион муҳит, лизинг субъекти.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF LEASING IN INCREASING THE EFFICIENCY OF INVESTMENT ACTIVITIES

ABSTRACT

This article discusses the role and importance of leasing in the economic development of the Republic of Uzbekistan, as well as the problems associated with investment in leasing and their solutions.

The purpose of the study is to develop conclusions, proposals and recommendations to improve the efficiency of leasing activities in improving the investment process in Uzbekistan.

Scientific novelty of the research:

1. It is proposed to expand investment by the real sector of the economy of Uzbekistan in the method of project financing of investment projects, to control the expediency and efficiency of the cost of investment projects.

2. The possibilities of developing the structure of the corporate governance system to help attract investment in leasing companies and banks in Uzbekistan were studied.

3. The implementation of the task of extensive use of the potential of information and communication technologies and the digital economy in the implementation of effective investment policy in organizations and banks engaged in leasing activities in the country.

Keywords: lease, investment, lessor, lease object, venture lease, capital, private capital, investment environment, leasing entity.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЛИЗИНГА В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются роль и значение лизинга в экономическом развитии Республики Узбекистан, а также проблемы, связанные с инвестициями в лизинг, и пути их решения.

Целью исследования является выработка выводов, предложений и рекомендаций по повышению эффективности лизинговой деятельности при совершенствовании инвестиционного процесса в Узбекистане.

Научная новизна исследования:

1. Предлагается расширить инвестиции в реальный сектор экономики Узбекистана за счет проектного финансирования инвестиционных проектов, контроля над целесообразностью и эффективностью стоимости инвестиционных проектов.

2. Изучены возможности развития структуры системы корпоративного управления для привлечения инвестиций в лизинговые компании и банки Узбекистана.

3. Реализация задачи широкого использования потенциала информационно-коммуникационных технологий и цифровой экономики при реализации эффективной инвестиционной политики в организациях и банках, осуществляющих лизинговую деятельность в стране.

Ключевые слова: аренда, инвестиции, лизингодатель, объект аренды, венчурная аренда, капитал, частный капитал, инвестиционная среда, лизинговая организация.

Кириш

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инвестиция фаолияти қанчалик ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш шунчалик жадал суръатларда ривож топади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш устувор вазифалардан биридир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишини замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Бу борада лизинг фаолиятининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишлари ва эртанги кун талабларига жавоб берадиган мукамал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни талаб этади. Лизинг фаолиятини ривожлантирилиши мамлакатимиз инвестиция сиёсати юксалишидаги асосий омиллардан бири бўлиши табиий.

Ҳозирги кунда лизинг фаолияти билан шуғулланадиган бир қатор компаниялар ва ташкилотлар мавжуд. Кичик бизнес эгалари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам замон талабларига жавоб берадиган замонавий техника ва технологияларни тўғридан-тўғри харид қилиш учун имкони етарли эмас. Бу борада лизинг асосида турли соҳаларни техника ва технология билан таъминлаш энг самарали ва оқилона ечимдир.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узвий равишда амалга оширишни талаб қилади. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш борасида мамлакатимиз ҳукумати инвестиция жараёнини такомиллаштиришга доимий эътибор бериб келмоқда. Жаҳон тажрибасидан шуни кўришимиз

мумкинки, инвестиция жараёнларини ривожлантириш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантирмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли мослаша олмайди. Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишлари ва эртанги кун талабларига жавоб берадиган мукамал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни талаб этади. Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади (Мирзиёев, 2016). Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси оқилона ва тўғри инвестиция сиёсатини ўтказишга қўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шаклларида биридир. Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, эскириб кетган техникалар билан деҳқончилик қилиш билан, замонавий охириги русумдаги техникалар билан деҳқончилик қилишни солиштириб кўрадиган бўлсак, меҳнат унумдорлиги ва сифат кўрсаткичларида ер билан осмонча фарқ кузатилади. Инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг асосида иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига замонавий техника ва технологияни олиб келиш ва барча тармоқларда қўллаш энг устувор вазифа ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2-бандида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш устувор вазифалар қилиб белгиланган. Инвестициялар ёрдамида иқтисодиётнинг инновациялар ва юқори технологиялар асосида тараққий этиши молиявий жиҳатдан қўллаб қувватланади, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсати муваффақиятли амалга оширилади, замонавий инфратузилмалар такомиллаштирилади, янги иш ўринлари яратилиб, ишсизлик муаммосининг олди олинади. Энг асосийси эркин рақобат ва тадбиркорлик муносабатларига асосланган замонавий иқтисодий тизим рағнақ топади. Инвестицияларнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар ҳар бир давлатнинг узоқ ва яқин келажаги истиқболларини белгилаб беради.

Иқтисодиётнинг реал секторининг бу қадар тез ривожланиши инвестицион ресурсларга бўлган юқори эҳтиёжни келтириб чиқаради. Уларни қоплашнинг самарали манбаларидан бири лизинг бўлиб қолди. Лизинг бозори - Ўзбекистон молия бозорининг юқори суръатларда ривожланаётган бўғинидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги[2] қонунида лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эғалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади, деб белгиланган.

Лизинг шартномаси лизингни молиявий ижара сифатида назарда тутати ва лизинг берувчининг ўз маблағларидан фойдаланишини кўзда тутар эди.

Айтиб ўтиш керакки, республикамизда лизинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси

Фуқаролик Кодекси (587 - 599 моддалар)[1] (Қонун, 2002) Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунчилик актлари билан тартибга солинади. (Фармон, 2002) Амалдаги қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28-августдаги №3122-сонли “Лизинг фаолияти ривожини қўллаб қувватлашнинг келгуси чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони алоҳида ўрин тутди.

Бу фармонга мувофиқ вакил банкнинг тасдиғи мавжуд бўлганда лизинг шартномаларини расмийлаштираётган ва лизинг тўловларини тўлаётган хўжалик фаолияти субъектлари қўшимча қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган технологик ускуналар божхона тўловлари ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб хўжалик юритувчи лизинг олувчилар лизинг муддати давомида лизингга олинган мулк солиғидан озод қилингани лизинг муносабатларининг ривожига жиддий туртки бўлган.

Мамлакатимиз биринчи президенти И. А. Каримов ҳам Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг нодавлат секторида лизинг хизматига талаб айниқса катта, яъни бу секторда капитал хажми кам, амортизация ажратмалари оз, айрим ҳолларда эса мутлақо йўқлиги тўғрисида гапирганлар: “Бугун биз учун ғоят зарур бўлган инвестициялар оқими кучайишига, қишлоқ хўжалик техникасини, транспорт ва самолётлар паркни янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур”. [4]

Юртимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, замонавий технологиялар олиб келиш, корхоналарни қайта жихозлашда лизингнинг ўрни каттадир.

Юртимизда лизинг муносабатлари такомиллашиб бормоқда, лекин банкларда кўрсатилаётган лизинг хизматларининг ўсиш тенденцияси кредитга нисбатан анча паст суратда кетмоқда.

Тижорат банкларида мижозларга лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби жорий қилинган, лизинг кредитлари фоиз ставкаси минимал миқдори белгиланган, лизинг кредитлари бериш жараёнида оддий кредитларга нисбатан ҳужжатларни расмийлаштириш узоқроқ вақт талаб қилади ва баъзи мураккаб схемаларни ўз ичида олади.

Лизингнинг афзаллик томони унда гаровнинг қисманлигидир, лизинг объектининг ўзи гаров сифатида олинади ва лизинг объектини суғурталаш банк учун ҳам, лизинг олувчи учун ҳам фойдалидир. Мамлакатимиз аграр индустриал давлат бўлганлиги сабабли лизингга берилган мулкларнинг катта улуши қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келади, энг қисқа муддат бир йил бўлса, энг узоқ муддат етти йилгача бўлиши мумкин.

Лизинг олувчининг фойдасини солиққа тортилишига лизинг операцияларининг таъсири шунда кўринадики, солиққа тортиладиган баъзани аниқлашда лизинг олувчининг жами даромадидан лизинг тўловининг ҳамма суммаси эмас, балки унинг бир қисми, яъни лизинг олувчи томонидан лизинг тўлови таркибига тўланадиган, лизинг олувчининг даромади чегирилади. Лизинг берувчининг бошқа хизматлари қиймати умумий тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Лизинг амалиётида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида секьюритизацияни қўллаш рақобат шароитида инвестицион лойиҳаларни арзонроқ ресурс ёрдамида молиялаштириш, лизинг кредитлари портфелини кўпайтириш, риск даражасини минималлаштириш, жалб қилинган ресурсларни диверсификациялаш имкониятини яратади. Лизинг муносабатларига “венчур лизинг” турининг кириб келиши риск даражасининг пасайишига ва рақобат муҳитининг янада ривожланишига олиб келади.

Инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги босқичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда лизингни ривожлантириш учун алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим. Лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, уларни мустаҳкамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. [5]

Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда лизинг кўп вақтларда асосий воситалар

харид қилиш учун кредит ўрнига муқобил восита бўлиб хизмат қилган ҳолда, корхоналарда банк олдидаги қарздорлигини қўпайтирмаслик имкониятини яратади. Бу ҳам ўз навбатида ҳар бир соҳанинг ривожини учун асос бўлади.[6]

Ватанимиз корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган молиявий лизинг узоқ муддатли кредит билан таъминлаш характериға эға. Банк фоиз ставкалари юқорилиги туфайли, лизингга сафарбар этиладиган молия-кредит ресурсларини юқори даражада ҳимояланганлигига қарамай, лизинг операциялари банклар учун жуда ҳам даромадсиз бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам молиявий лизинг операциялари ўтказиш бўйича, солиқ имтиёзлари бериш Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳажмда нодавлат инвестициялари киритилишига асос бўлади.[6]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қўйилган муаммоларнинг илмий ечимини аниқлашга қаратилган назарий асосларни ўрганиб, тадқиқотнинг методологияси шакллантирилди. Ҳозирги кунда ҳар бир ривожланган ва ривожланаётган соҳаларни инвестициясиз тасаввур этиш қийин. Инвестиция фаолиятини ривожлантиришдан ва самарадорлигини оширишдан мақсад – лизинг ташкилотларининг келажақдаги истиқболини белгилаш ва фаолият турини кенгайтиришни таъминлашдир. Демак, ушбу масалада лизинг фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларнинг самарадорлигини баҳолаш ва паст баҳо олган жиҳатларнинг омилларини таҳлил қилиш лозим. Лизинг фаолиятида инвестицион жозибadorлик, юқори даромадлилик, етарли ликвидлик ва ҳавфсиз риск даражасини таъминлаш жуда муҳим омилдир. Ушбу ҳолда лизинг фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот ёки банкларни молиявий таҳлил усуллари билан тадқиқ қилиш фойда бериши мумкин.

Тадқиқот саволи юзасидан мамлакатмиздаги лизинг ташкилотлари фаолияти ва натижалари бўйича статистик маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Лизинг берувчилар уюшмаси” нинг веб сайтидаги маълумотлари ва таҳлилларини ўз ичига олган ҳисоботлар, лизинг соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида, миллий кутубхона, электрон кутубхоналар, олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва мақолалари, илмий нашр ва журналлар, интернет веб-сайтлардан маълумот тўпланди.

Таҳлил ва натижалар

2018 йил якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 2,6 трлн.сўмни, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 4,0 трлн.сўмни ташкил қилди, бироқ умумий портфелда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкнинг умумий суммаси 1 трлн. сўмлик портфели ҳисобга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорининг таҳлили лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмасига тақдим этилган расмий маълумотлар асосида тайёрланди. Ўзбекистон лизинг берувчиларининг рейтингини тайёрлаш жараёнида 47 та лизинг берувчи (улардан 15 таси банклар ҳисобланади) лизинг фаолияти билан фаол шуғуллангани аниқланди.

Янги лизинг битимлари ҳажмларининг ўсиш тенденцияси иштирокчилар ўртасида лизинг бозорида қуйидаги тарзда тақсимланди:

1-жадвал

Лизинг бозори иштирокчиларининг улуши

	2014	2015	2016	2017	2018
Лизинг компаниялари					
- мулк қиймати, млрд. сўм	592,6	668,2	630,8	963,8	1912,2
-улуш	71,7%	78,5%	64,8%	62,0%	72,6%
Банклар					
- мулк қиймати, млрд. сўм	233,6	183,0	342,3	589,8	722,2
-улуш	28,3%	21,5%	35,2%	38,0%	27,4%
Жами	826,2	851,2	973,1	1553,6	2634,4

(Жадвал ula.uz сайтидан олинди)

2018 йил якунлари бўйича лизинг бозорининг лизинг берувчилар ўртасида тақсимланиш тенденцияси ўзгарган, энди бозорнинг 73% лизинг компанияларига тегишли. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2017 йил якунлари билан солиштирганда, тақдим этилган лизинг хизматларининг ҳажми камайган ва уларнинг бозордаги улуши 27,4% ни ташкил қилган.

Агар лизинг портфелининг лизинг берувчилар бўйича тақсимланиши кўриб чиқиладиган бўлса, унда 78,3% лизинг компанияларининг улушига тўғри келади, ҳолбуки 2018 йил ҳолати бўйича лизинг портфелининг суммаси 4 трлн. 23 млрд. сўмни ташкил қилган.

2-жадвал

Лизинг компанияларининг ТОП – 5 талиги

№	Лизинг компаниясининг номи	2018 йилда кўрсатилган лизинг хизматларининг ҳажми (млрд. сўмда)
1	«O'zagrolizing» ДЛК	758,4
2	«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ	241,2
3	«O'zavtosanoat-Leasing» МЧЖ ЛК	223,4
4	«Qurilishmashlizing» РИЛК АЖ	94,3
5	«Orient Invest Group» МЧЖ	81,4

(Жадвал ula.uz сайтидан олинди)

Лизинг берувчилар ТОП 10 талигининг (5 та лизинг компанияси ва 5 та тижорат банки) улуши янги лизинг битимлари ҳажмининг 75,2% ни ташкил қилган.

Юртимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, замонавий технологиялар олиб келиш, корхоналарни қайта жихозлашда лизингнинг ўрни каттадир.

Лизинг тўғрисидаги назариялар ва кредитлар бериш амалиётини ўрганган ҳолда, қуйидаги хулосага келинди:

- (дунё бўйича) лизинг билан кредит ўзаро мос шартларга эгаллиги туфайли бу хизмат тури банк амалиётига кенг тадбиқ қилинди;
- таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида лизинг компанияларининг тўловга қобиллигини баҳолаш бўйича махсус методика бўлиши лозим, мазкур зарурият лизинг компаниялари актив ва пасивлари таркибини ишлаб чиқариш ва савдо корхоналариникидан сезиларли даражада фарқ қилиши билан изоҳланади;
- Хорижий давлатлар тажрибасида лизинг бозори ривожланган давлатларда кенг тараққий этган бўлиб, лизинг маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ташкил этишнинг замонавий шаклига айланган;
- тараққий этган мамлакатларда лизинг операцияларига нисбатан инвестициявий солиқ имтиёзларининг қўлланилганлиги лизинг асосида кредитлаш амалиётининг ривожланишига кучли туртки берди;
- лизинг муносабатлари лизинг мол-мулкidan фойдаланиш имкониятини олиш ва келажакда фойда кўриш нуқтаи назаридан кредит муносабатларига нисбатан самаралироқ бўлиши керак.

3-жадвал

Банкларнинг ТОП – 5 талиги

№	Банкнинг номи	2018 йилда кўрсатилган лизинг хизматларининг ҳажми (млрд. сўмда)
1	«Uz SQB Bank» АТБ	197,3
2	«Kapital Bank» АТБ	124,1
3	«Asaka Bank» АТБ	110,9

4	«TrustBank» ХАБ	76,2
5	«Ipoteka Bank» АТИБ	73,8

(Жадвал ula.uz сайтидан олинди)

Япония ва Германия солиққа тортишнинг амалдаги тартиби лизинг операцияларини ривожлантириш учун муҳим замин яратади. Бунда, солиққа тортишнинг иқтисодий ёндашувидан фойдаланилади.

Лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва бериладиган кредитлари риск даражасини пасайтириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтиришимиз мумкин:

- минтақаларда лизинг хизматлар бозорини шакллантирадиган инфраструктураларни ривожлантириш;
- ишлатилган (капитал таъмирланган) қишлоқ хўжалик ускуналари бозорини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бундай бозорни ташкил этиш ва ривожлантириш лизинг тўловлар ставкасини камайшига олиб келади;
- вилоятларда лизинг компаниялар фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ўз филиалларини ёки консалтинг бўлимларини очиш;
- лизинг компанияларида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш;
- лизинг тўловларини ўз вақтида тўлайдиган тадбиркорларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.
- лизинг объектлари бўйича маълумотлар базасини яратиш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет элдан келтирилган мулкларни лизингга беришда, лизинг лойиҳаларини тузишда ушбу маълумотлар базадан фойдаланган ҳолда вақтни тежаш имконига, мулкларнинг хизмат муддатига қараб, уларнинг фоиз ставкаларини белгилашда қулайликларга эга бўлиш мумкин;
- Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигида лизингнинг турли шакл ва кўринишлари ҳамда уларни амалга ошириш усуллариининг таснифланишига эришиш лозим. Махсус “Оператив ижара тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишини тезлаштириш ёки “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги қоидаларига оператив лизинг тўғрисида тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилишда четдан олиб келинган янги техника ва технологияларни лизинг воситасида олишда имтиёзлари доирасини кенгайтириш;
- лизинг амалиётига лизингнинг янги турларини жорий қилиш, такрорий лизинг, сублизинг, венчур лизинг ва бошқалар орқали лизинг бозорини янада ривожлантириш мумкин ва ушбу лизинг турлари билан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий асос яратилиши лозим;

Лизинг муносабатларини такомиллаштириш учун керак бўлган омиллар:

- лизинг объектларини турли хил шакллариини, импорт ва экспорт ҳамкорлигини ривожлантириш;
- республиканинг барча ҳудудларида лизинг кўринишидаги инвестициялар учун қулай муҳит яратиш;
- республиканинг лизинг компаниялари ва тижорат банклари учун рақобатбардошлик муҳитини янада ривожлантириш;
- мамлакатда қўлланилаётган лизинг турлари кўламини кенгайтириш;
- лизинг субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ҳурмат қилиш борасида назоратни амалга ошириш.
- Лизинг соҳасида фаолият юритувчилар рақобатини ривожлантириш билан бирга лизинг объектларига хизмат кўрсатувчи таъмирлаш соҳасида ҳам рақобатни ривожлантириш.

Банк мажмуасида лизинг устунлиги яна шундан иборатки, у давлат манфаатларини ҳам кўзлайди, яъни солиқ тизимини, амортизация ва кредит имтиёзларини беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки иқтисодиётимизнинг ҳар бир тармоғи ривож ва юксалиши учун жаҳон тажрибаси ва замонавий техника ва технология асосий ўрин эгаллайди. Бу борада қулай инвестицион муҳит яратиш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Лизинг тизимини ривожлантиришда қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурдик:

- техникаларни бошқа манбалардан олиш орқали ишлатиш, яъни импорт ва қишлоқ хўжалик техникасига диспаритетдан ошиб кетиши ҳисобига маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг монополия ҳолатини бартараф этиш;
- техникалар сотилишини кенгайтириш, янада илғор тарзда ишлайдиган замонавий техникаларни сотиб олиш;
- қишлоқ-хўжалик техникаларини етказиб беришнинг тезкор усуллари яратиш;
- етказиб бериш ва ишлатиш жиҳатлари ҳамда тавсифи билан боғлиқ техникаларга кафолатли техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- техника воситаларининг айланиш (тикланиш)ини тезлаштириш ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;
- лизинг берувчи, истеъмолчи ва тайёрловчилар ўртасида иқтисодий ва ҳуқуқий алоқаларни замонавийлаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида инвестиция фаолияти самардорлигини ошириш учун инвесторлар маблағини жалб этиб, лизинг асосида замонавий техника ва технологияларни олиб кириб соҳалар ривожини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, шу сабабли мазкур молиявий ресурслардан ўз вақтида янада самарали ва тизимли фойдаланишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кодекс (1999). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 587-599- моддалар.
2. Қонун (1999). Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 14 апрел, 2-модда.
3. Фармон (2002). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28-августдаги №3122-сонли “Лизинг фаолияти ривожини қўллаб қувватлашнинг келгуси чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
4. Каримов И.А, (2000) Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.Т.: “Ўзбекистон”, 399 бет.
5. Мирзиёев Ш.М., (2016). Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи – Тошкент: Ўзбекистон, – 24 б.
6. Ғозибеков Д.Ғ, (2003). “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”, Тошкент, “Молия”, - 232-бет.
7. Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш. (2001).“Лизинг и его развитие в Узбекистане”. – Т.: Молия.90л.
8. Ғозибеков Д. Ғ, Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М, (2004) Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Тошкент.: «Fan va texnologiya», 92-132 бетлар.;
9. <http://www.ula.uz/files>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Ашуров Махаммаджон Сотволдиевич

Фарғона политехника институти доценти, и.ф.н.
ashurov.maxammadjon@gmail.com, g7777@mail.ru

РИСК МУҲИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation: Ashurov Maxammadjon Sotvoldievich. TRENDS OF STEADY DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN TERMS OF RISK. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.6. Issue 3. pp:60-66



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иқтисодий эркинлаштириш натижасида макроиқтисодий қайта қуришларни амалга ошириш шароитида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг риск ва ноаниқлик муҳитида фаолият олиб бориши ва унинг натижасида юзага келадиган муаммолар кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан олиб борилган таҳлил натижасида миллий иқтисодиётда риск муҳитида саноат корхоналарининг барқарор фаолият олиб бориши учун таъсир қиладиган тизимли муаммолар аниқланган. Аниқланган муаммолар асосида риск ва ноаниқлик муҳитида саноат корхоналарининг келгусидаги ривожланиш йўналишлари бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда.

Калит сўзлар: менежер, иқтисодий барқарорлик, риск, рискларни бошқариш, риск таҳлили, саноат корхоналари, стратегия.

TRENDS OF STEADY DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN TERMS OF RISK

ABSTRACT

The article discusses the existing problems of the functioning of industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan in connection with the emergence of risk and uncertainty in the context of radical macroeconomic restructuring as a result of economic liberalization. The analysis carried out by the author revealed a number of significant systemic problems of the sustainable development of industrial enterprises in the national economy in conditions of risk. Based on the identified issues, a number of solutions are proposed, as well as directions for the further development of industrial enterprises in Uzbekistan in conditions of risk and uncertainty.

Keywords: manager, economic stability, risk, risk management, risk analysis, industrial enterprises, strategy.

ТЕНДЕНЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РИСКА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются существующие проблемы функционирования промышленных предприятий Республики Узбекистан, в связи с появлением риска и неопределенности в условиях радикальной макроэкономической перестройки в результате либерализации экономики. Проведенный автором анализ выявил ряд существенных системных проблем устойчивого развития промышленных предприятий в национальной экономике в условиях риска. На основе выявленной проблематики предлагается ряд решений, а также направления дальнейшего развития промышленных предприятий Узбекистана в условиях риска и неопределенности.

Ключевые слова: менеджер, экономическая стабильность, риск, управления рисками, анализ риска, промышленные предприятия, стратегия.

Кириш

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг қўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали қўплаб вазифалар турибди. Бу каби қўплаб вазифаларни амалга ошириш учун замонавий Ўзбекистонда бугунги кунда очик ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тўла шакллантириши учун радикал макроиқтисодий қайта қуриш олиб борилмоқда ва тез суръатларда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнининг амалга оширилиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан ушбу жараёнларда Ўзбекистон саноат корхоналарининг хўжалик юритиш фаолият механизми ва уларнинг иқтисодий эркинлик даражасида ҳам беқиёс даражада тубдан ўзгаришлар кузатилади. Бундан кўринадики, бозор иқтисодиётининг ноаниқликка асосланган ва ўзгарувчан шароитида корхоналар фаолиятида рискнинг пайдо бўлиши ва уларни бошқариш энг жиддий ва долзарб масалага айланади. Тан олиш керак, ҳозирда риск муҳитида Ўзбекистон саноат корхоналарининг ташқи муҳит омилларининг таркибий қисмлари: давлат ҳокимияти ва молия институтлари билан муносабатлар, технологик ва ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлик, ахборотлар ва уларнинг ошқоралиги ва очиклиги, таъминотчи ва маҳсулот сотиб олувчи корхоналар ҳамда истеъмолчилар кабилар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳам беқиёс даражада тубдан ўзгариши зарур, бироқ ҳанузгача ушбу муносабатлар қатъий рақобатли бозор шартларига жавоб бермайди ва саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ўсишини таъминлай олмаяпти. Саноат корхоналари менежерларининг риск муҳитида фаолият олиб бориш кўникмаларининг йўқлиги ва уни бошқаришнинг самарали тизимга эга эмаслиги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон саноат корхоналари фаолиятида рискларни олдини олиш, камайтиришнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни бошқаришнинг ташкилий-услубий механизмини тадқиқ этиш ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Хорижий бир қатор иқтисодчи-олимлар: Дел Мар, Д. Дилвортз, П. Дру-кер, С. Коллисон Терри, А. Маршалл, К. Николас, Р.С. Рассель, Н. Сениор, К. Сирополис, Б.Тамес, Б.Тейлор, Ҳамид Нуури, Й.Шумпетер, Филип Звейчлар молиявий, банк, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш каби йўналишлар бўйича рискларни ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшишган.

МДҲ давлатларининг иқтисодчи олимлари П.Г. Грабовий, С.И. Пол-тавцева, А.П.Альгин, В.М.Гранатуров, М.Т. Лапуста, Б.А.Райзберг, Т.Тимофеев, Э.А. Уткин, Л.Т. Шаршукова, В.В. Черкасов, Н.В. Хохлов, С.Д.Иленькова, Р.М. Качалова, Э. Крилатых, В.Г.Золотогоров, Ю.Кинеев, А.А.Кудрявцев, М.Ю. Печалова, В.Н.Самочкин, Е.Н. Станиславчик, А.Н.Тепман, О.А. Тимофеев, Г.В.Чернова ва бошқалар ўз ишларини суғурта иши, тадбиркорлик, банк, инвестиция, бошқарув рискларини, шунингдек, хўжалик рискларини таҳлил қилиш муаммосига бағишлаганлар ҳамда тадқиқ этиш натижаларини ўз

ишларида акс эттирганлар. Риск ҳақидаги баъзи бир назарий маълумотларни мамлакатимиз иқтисодчи - олимлари Ё. Абдуллаев, М. Адҳамов, Т. Бобоқулов, Ш.Зайнутдинов, А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев, Ш. Шодмонов ва бошқалар ўз илмий адабиётларида бериб ўтишган. Шунингдек, Ш. Абдуллаева, Н. Каримов, В.Пшеничкинлар ўз ишларида банк фаолияти билан боғлиқ риск муаммоларига тўхталиб ўтишган бўлса, Н. Балейнех, С. Ғуломов ва бошқалар тадбиркорлик фаолиятида рискларни бошқариш муаммоси бўйича тадқиқот олиб боришган.

Юқорида таъкидланганидек, саноат корхоналари миқёсида юзага келадиган рискларнинг моҳиятини очиб бериш, тасниф қилиш, уларни юзага келтирувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш, рискларни баҳолаш усуллари, уларни камайтириш муаммолари мамлакатимиз иқтисодиётида жуда кам ўрганилган. Буларнинг барчаси саноат корхоналари фаолиятида риск муаммосини тадқиқ этиш зарурлиги ҳақида ҳулоса қилишга олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада тадқиқотни амалга оширишда асосан қиёсий баҳолаш ва илмий абстракция усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тажрибасидан маълумки, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантирмасдан ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминламасдан туриб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг барқарор ўсишига, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида чуқур таркибий ўзгаришлар ва сифат силжишларни юзага келтириш, макроиқтисодий, молиявий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек кўп укладли иқтисодиёт ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириб бўлмайди [2]. Шунингдек, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш орқали мамлакат иқтисодий ҳаётининг энг муҳим вазифалари: иқтисодиётни мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш, уни инқирозга ва таназзулга олиб келмаслик, иқтисодий салоҳиятнинг пастлаб кетишига йўл қўймаслик; иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир тарафлама йўналишини бартараф этиб, мамлакатдаги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва улар асосида ички маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу ҳисобидан импортни камайтириш; ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу билан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш; жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини юзага келтириш, мамлакат экспорт имкониятларини ошириш ва уларнинг натижасида мамлакат тўлов балансининг ижобийлигини ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш; монополияга қарши курашиш ва мамлакатда рақобат муҳитини юзага келтириш; хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш каби вазифаларни ҳал эта оламиз.

Бу каби вазифаларни ҳал этишда асосий локомотив сифатида қараладиган саноат корхоналарининг барқарор ва собитқадам ривожланиши кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминланишига боғлиқ. Маълумки, иқтисодий хавфсизлик иқтисодий риск билан чамбарчас боғлиқдир. Бу айниқса, иқтисодий тизим субъектларини шунингдек, корхоналарни ноаниқлик шароитида фаолият олиб боришини тақозо этади. Корхоналарнинг ноаниқлик шароитидаги фаолияти уларни риск билан фаолият олиб боришга ундайди. Корхоналарни риск билан омадсизлик, ёхуд муваффақият қозониш умидидаги фаолияти, уларнинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, турли хил хўжалик юритувчи субъектлар учун рискнинг аҳамияти турличадир. Молия-кредит ва тижорат корхоналари фаолияти юқори риск муҳитида фаолият олиб боришга асосланади. Аксинча, ишлаб чиқариш турига асосланган саноат корхоналари рискка ўта эҳтиёткорлик билан ёндошиши, ишлаб чиқариш муҳитидаги риск вазиятининг етарлича аниқлик касб этмаслиги, рискни юзага келиш манбаларини аниқлаш жараёнининг мураккаблиги ва унинг кўп шакллилиги билан изоҳланади. Шунинг учун рискни бошқариш дастурини яратаётган саноат корхоналари «риск» тушунчасини алоҳида категория сифатида ажратиб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу айнан саноат корхоналари фаолиятида юзага келувчи иқтисодий рисклар моҳиятини ўта аниқ ифодалашга имкон беради.

Риск ўта мураккаб иқтисодий ҳодиса бўлиб, бир-бирига мос келмайдиган, гоҳида эса

бир-бирига қарама-қарши ҳақиқий асосга эга эканлигидир. Бу эса риск тушунчаси бўйича бир нечта турлича нуқтаи назарларнинг мавжуд бўлишини тақозо этмоқда, бу ҳолат албатта, риск тушунчасига нисбатан мавҳумликни юзага келтирмоқда.

1-жадвал

Риск тушунчасини аниқлашга ёндошувлар таҳлили

Ёндошувлар	Муаллифлар	Риск тушунчаси
Фақат йўқотишлар	Грабовий П.Г	Корхоналар юзага келиши мумкин бўлган хавф остида ўзларининг бир қисм ресурсларини йўқотиши, кўзланган даромадга эга бўла олмаслик ёки ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни амалга ошириш натижасида кўшимча ҳаражатларнинг юзага келиши тушунилади
	Вебстер А	Эҳтимоллий зарар ва йўқотишлар эҳтимоллиги
	Ван Хорн Дж. К.	Пайдо бўлиши мумкин бўлган зарар ва йўқотишлар эҳтимоллиги
	Адҳамов М	Иқтисод нуқтаи-назаридан, фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериш эҳтимоли билан ифодаланади
	Аленичев В.В, Аленичева Т.Ю	Кредиторга тегишли бўлган асосий қарз ва фоизларни тўлай олмаслик натижасида юзага келадиган йўқотишлар хавфи.
